

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2025 йил сентябрь ойининг 12 куни жиноят ишлари бўйича Балиқчи туман суди, ўз биносида, видеоконференцалоқа режимидан фойдаланилган очик суд мажлисида, раислик қилувчи: туман судининг раиси У.Шералиев, судья ёрдамчиси О.Нурматжоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Балиқчи туман прокурори ёрдамчиси Р.Каримов, судланувчи Х.Толипов ва унинг ҳимоячиси “LAWYER WORK” адвокатлик бюроси адвокати С.Юсупов, жабрланувчи Х.Кенжаевнинг иштирокида, судланувчи Толипов Хамидулло Халимжоновичга нисбатан 1-1704-2501/152-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Толипов Хамидулло Халимжонович (Tolipov Xamidullo Xalimjonovich), 1985 йил 21 сентябрда Андижон шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 10 нафар фарзандлари бор, мавсумий ишчи, муқаддам:

1. Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2022 йил 28 январдаги ҳукмига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди ва бошқа моддалари билан ЖКнинг 59-моддаси тартибида базавий ҳисоблаш миқдорининг 305 баравари миқдорида 61.832.650 сўм жарима жазоси тайинланган, 2022 йил 5 июль куни жарима жазоси ижро этилган;

2. Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2022 йил 29 сентябрдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди ва 28,209-моддасининг 1-қисми билан айбли деб топилиб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида базавий ҳисоблаш миқдорининг 410 баравари миқдорида 91.430.000 сўм жарима жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2023 йил 26 майдаги ажримига кўра тўланмай қолган 91.430.000 сўм жарима жазоси ЖКнинг 44-моддаси тартибида иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадлари ҳисобига ушлаб қолиш шarti билан 1 йил 5 ой 4 кун ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, 2024 йил 6 ноябрда жазони тўлиқ ўтаб бўлган, Андижон шаҳри, Ёрбоши МФЙ, Ишчилар кўчаси, 18-уй, 1-хонадонда яшайди, иши бўйича “қамокқа олиш” тарзидаги эҳтиёт чоралари қўлланилган, 2025 йил 9 июндан қамокда, айблов ҳулосаси нусхасини 2025 йил 14 июлда олган,



Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов жараёнида ва судда тўпланган далилларни текшириб, муҳокама қилиб ва уларга ҳолисона баҳо бериб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафлар фикрини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Х.Толипов 2021 йил июль ойида таниши Х.Кенжаевнинг Д.Сайдалиевга бир ой муддатда пулини бериш шарти билан 451.487.500 сўмга тенг бўлган 43.000 АҚШ доллари эвазига берган цемент маҳсулоти пуларини Андижон шаҳар, Савонтепа МФЙ, Ўзбекистон кўчаси, 113-манзилда жойлашган “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш” шохобчасини келгусида сотиб ўзи беришини айтиб, уни шу йўл билан ишончига кириб, 2022 йил 22 июнда мазкур бинони А.Каримовга 1.475.628.000 сўмга тенг бўлган 132.000 АҚШ доллари эвазига сотиб, Х.Кенжаевга бериши керак бўлган жуда кўп миқдордаги 43.000 АҚШ долларини бермасдан ўзининг шахсий эҳтиёжлари учун сарфлаб юбориб фирибгарлик қилган.

Судланувчи Х.Толипов судда, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, муқаддам Д.Сайдалиев Х.Кенжаев унга 43.000 АҚШ доллари эвазига берган цемент маҳсулотлари учун А.Атаҳажиевдан гаров тариқасида ишчиси З.Абдуллаевга ўтган Андижон шаҳар, Савонтепа МФЙ, Ўзбекистон кўчаси, 113-манзилда жойлашган “Имрон” номли “Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш” биносини таниши А.Абдурахмонов банкдан оладиган кредити учун гаровга қўйиб берганлигини, кейинчалик ушбу бинони А.Каримов сотиб олишни айтганида бунга рози бўлгани, А.Каримов ушбу бинони кредит қарздорлигини яъни 709.000.100 сўмни банка тўлаб, кредит қарздорликни тўлиқ сўндирганлигини, бино учун қолган пулларни А.Атаҳажиев билан ўзаро келишиб, унга берганлигини, ушбу бино сотилишидан олдин А.Атаҳажиев пул сўраган вақтида унга 8.000 АҚШ доллари бергани, Х.Кенжаевга эса 35.000 АҚШ доллари бериши кераклигини, лекин моддий имконияти бўлмаганлиги сабабли Х.Кенжаевга ушбу пулларни бера олмагани, кейинчалик Х.Кенжаевга ушбу пуллар эвазига ўзи қурган квартиралардан бирини бермоқчи бўлгани, лекин Х.Кенжаевга бермоқчи бўлган уйнинг ҳужжатларини ўз вақтида расмийлаштиришни имкони бўлмаганлигини учун уйни Х.Кенжаевни номига ўтказиб бера олмагани, шундай бўлса-да дастлабки тергов ҳаракатлари давомида Х.Кенжаевга етказилган моддий зарарни қоплаш мақсадида 38.962 АҚШ доллари ва 13.000.000 сўм пул маблағларини олиб келгани, лекин Х.Кенжаев 43.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни тўлиқ беришини айтиб, ушбу пулларни қабул қилмагани, шундан кейин ушбу пулларни тергов бошқармасининг депозит ҳисоб рақамига топширгани, бундан ташқари, тергов ҳаракатлари даврида таниши Мухамед-Ахунов Отабек ҳам уни устидан ариза билан мурожаат қилиб, гўёки унга бериши керак бўлган 55.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни бермаётганлигини маълум қилганлигини, лекин тергов ҳаракатлари даврида О.Мухамед-Ахуновдан олган 34.000 АҚШ долларини



50.000 АҚШ доллари қилиб қайтарганини исбот қилиб бергани, ҳозирда О.Мухамед-Ахунов билан ўзаро келишиб олганлигини, бундан ташқари, дастлабки тергов ҳаракатлари даврида А.Солиев ва А.Анваровлар у томонидан етказилган зарарни қоплаш учун депозит ҳисоб рақамига жами 38.962 АҚШ доллари миқдорига пуллар Х.Кенжаевга етказилган зарарни қоплаш учун топширилганлигини, ҳозирда айбига тўлиқ иқрор эканлигини, қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймондалигини, жиноят натижасида етказилган моддий зарарлар қопланганини эътиборга олиб, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо тайинлашни сўраб кўрсатув бериб ўтди.

Жабрланувчи Х.Кенжаев суд мажлисида, 2003 йилдан буён қурилиш материаллари яъни темир ва цемент маҳсулотлари сотиш билан шуғулланиб келишини, 2010 йилларда Андижон шаҳрида яшовчи Х.Толипов билан қурилиш материаллари соҳасида танишиб қолиб, у билан кўп мартаба ўзаро олди-берди қилиб келгани, 2021 йил июль ойида олдига кейинчалик таниган Д.Сайдалиев келиб, 1.000 тонна цемент кераклигини, ушбу 1.000 тонна цемент маҳсулотини 500 тоннаси қопланган ҳолатда, яна 500 тоннаси эса қопланмаган ҳолатда кераклигини, ушбу цемент маҳсулотларини пулини 1 ой муддатда беришлигини, бунинг эвазига цемент маҳсулоти пулларини бергунга қадар бирорта нотурар объектни номига ўтказиб беришлигини айтгани, шу пайтда унда қопланмаган (навал) цемент маҳсулоти бўлмаганлиги сабабли бу ҳақида таниши Х.Толиповга айтганида у рози бўлиб, биргаликда шу ишни қилишини айтгани, кейин Х.Толипов билан биргаликда Д.Сайдалиевни таклифига рози эканлигини, 1 ой муддатга номига ўтказиб бермоқчи бўлган нотурар объектни кўрсатиб беришлигини айтганда, Д.Сайдалиев уларга Жалақудук туманида жойлашган нотурар объектни кўрсатгани, лекин улар бу бинони гаровга олишликка рози бўлмагани, Андижон шаҳар ҳудудидан бирор нотурар объект бўлса айтилган цемент маҳсулотини беришлари мумкинлигини айтгани, орадан 2-3 кун ўтиб Д.Сайдалиев олдига келиб, Андижон шаҳар Ўзбекистон кўчасида жойлашган “Имрон” номли ошхонани уларни номига ўтказиб туришлигини, улардан оладигон цемент маҳсулотини пулларини берганидан сўнг ушбу бинони яна қайтариб ўтказиб беришлигини айтгани, улар бу таклифга рози бўлгани, шу пайт Д.Сайдалиев цемент маҳсулотларини юклаш учун юк автомашиналарни унинг омборига юборишлигини айтганида у дастлаб, “Имрон” номли нотурар бинони улар айтган одамни номига ўтказиб беришлигини, шундан кейин цемент маҳсулотларини у айтган юк автомашиналарга юклаб беришлигини айтгани, Х.Толипов Д.Сайдалиевга 1 ой муддатга ўтказиб бериши керак бўлган “Имрон” номли нотурар объектни таниши “Зиёд” исмли шахсни номига ўтказиб туришлигини айтганида, Х.Толиповни узоқ йиллардан буён таниганлиги, унга ишонганлиги сабабли у айтган одамни номига “Имрон” номли нотурар объектни ўтказишликка рози бўлгани, кейин Д.Сайдалиев Х.Толипов айтган “Зиёд” исмли шахсни номига “Имрон” номли нотурар объектни ўтказиб берганидан сўнг у 43.000 АҚШ доллари ҳисобидан, Х.Толипов эса 17.000 АҚШ доллари ҳисобидан жами 60.000 АҚШ долларига тенг бўлган цемент маҳсулотини беришганлигини, орадан келишилган 1 ой вақт ўтиб, улардан цемент маҳсулотини олган



Д.Сайдалиев ҳар хил баҳоналар билан улардан олган цемент маҳсулотини пулларини бермай юргани, кейин у ва Х.Толипов Д.Сайдалиев улардан олган цемент маҳсулоти учун гаровга қўйган “Имрон” номли нотурар объектга бориб, у ерда иш бошқариб юрган болага бу нотурар бино уларни номига ўтганлигини, бу бинони бўшатиб қўйиши тўғрисида огоҳлантириб келгани, шундан сўнг ўзини “Имрон” номли нотурар объектни эгаси деб таништирган А.Атаҳажиев уларга алоқага чиққани, улар бино ҳақиқатда уларга қарашли одамни номига ўтказиб берилганлигини, буни эвазига Д.Сайдалиев унга бино учун 50.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни беришга келишганлигини, бироқ Д.Сайдалиев келишилган пуллардан 10.500 АҚШ доллари бериб қолган пулларни бермасдан келаётганлигини, “Имрон” номли нотурар объектни 15 кун муддатда бўшатишини айтганида улар А.Атаҳажиевни гапига кириб 15 кун кутиб туришга рози бўлишгани, орадан 15 кун вақт ўтганидан сўнг ҳам Д.Сайдалиев уларга берилиши керак бўлган 60.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларни бермасдан йўқ бўлиб қолгани, шундан сўнг улар 60.000 АҚШ доллари эвазига гаровга қўйилган “Имрон” номли нотурар бинони сотмоқчи бўлиб харидорга солиб кўришганлигини, ушбу бинони 125-130 минг АҚШ долларигача сотиб олмоқчи бўлган харидорлар чиққани, кейин улар А.Атаҳажиев билан ўзаро келишиб, “Имрон” номли нотурар бинони жами 150.000 АҚШ долларига сотиб олишга келишиб, Х.Толипов ушбу пуллардан 60.000 АҚШ долларини биргаликда берган цемент маҳсулотларини пуллари ҳисобидан олиб қолиб, қолган 90.000 АҚШ долларини 2022 йил апрель ойида беришликка келишганликларини, шу пайт Х.Толипов уни 43.000 АҚШ доллари миқдоридаги пулларини “Имрон” номли нотурар бинони сотилиши билан бериб қолган пулларни 2022 йил апрель ойига қадар айланттириб, кейин 90.000 АҚШ долларини А.Атаҳажиевга бериб қўйишлигини айтганида у рози бўлгани, лекин “Имрон” номли нотурар бино сотилмасдан у 43.000 АҚШ долларини ололмагани, шу вақтларда А.Атаҳажиев Д.Сайдалиевни устидан ИИБга мурожаат қилганида уни ҳам ИИБ ходимлари чақиришгани, ИИБ ходимларига бўлиб ўтган ҳолатларни айтиб бергани, шунда А.Атаҳажиев унинг шериғи Х.Толипов “Имрон” номли нотурар бинони гаровга қўйиб кредит маблағлари олганлигини айтганида, дастлаб, у А.Атаҳажиевни гапларига ишонмагани, кейин Х.Толиповдан бу ҳақида сўраганида у “Имрон” номли нотурар бинони гаровга қўйиб кредит маблағлари олмаганлигини, “Имрон” номли нотурар бинога харидор топса шу заҳоти ўша одамни номига ўтказиб беришлигини айтгани, 2022 йил ёз ойида А.Атаҳажиев қўнғироқ қилиб, “Имрон” номли нотурар бинога А.Каримов харидор бўлаётганлигини, кўришиб гаплашиб олишлигини айтганида у А.Атаҳажиевни олдига борганлигини, А.Атаҳажиевни олдига борганида у ерда унга нотаниш кейинчалик исмини билган А.Каримов “Имрон” номли нотурар бинони савдолашиб турганлигини, А.Каримов “Имрон” номли бинони сотиб олаётганлигини, ўзи Х.Толипов таниши эканлигини айтганлигини, кейин Х.Толиповга қўнғироқ қилиб у билан гаплашганида у А.Каримов таниши эканлигини, уларга цемент маҳсулоти учун берилиши керак бўлган 60.000 АҚШ долларини бериб, қолган пулларни А.Атаҳажиев билан ўзи келишиб олишлигини, уни 43.000 АҚШ долларини Х.Толипов ўзи беришлигини, “Имрон” номли нотурар бинони А.Каримов сотиб



олишлигини айтганлигини, кейин А.Атахажиев билан А.Каримов “Имрон” номли нотурар бинони нархини ўртада 5.000 АҚШ доллари миқдоридан пулни деб келиша олмасдан турганлиги билиб, 5.000 АҚШ доллари билан иши битса унга берилиши керак бўлган 43.000 АҚШ долларидан айириб ташлаб келишаверишини айтиб уларни келиштир айтгани, бунинг сабаби у нақд 43.000 АҚШ доллари пуллари олса 5.000 АҚШ долларини кечиб юборишни маъкул деб билгани, кейин А.Атахажиев ва А.Каримов билан ўзаро келишганлигини, сўнг Х.Толиповни олдига бориб, унга берилиши керак бўлган 38.000 АҚШ долларини беришлигини айтганида у ҳозирда нақд пули йўқлигини, 2 ойда пул бўлишлигини айтганлигини, у 2 ой кутса 43.000 АҚШ доллари пуллари олишлигини ҳозир олса 38.000 АҚШ долларига рози эканлигини айтганида Х.Толипов рози бўлганлигини, Х.Толипов айтган 2 ой вақт ўтганидан сўнг Х.Толиповдан пуллари сўраганида у пули ҳисоб рақамига тушмасдан турганлигини айтиб, унга Андижон шаҳар Ишчилар кўчасида жойлашган ўзига тегишли бўлган уйини ҳужжатларини бериб, шу уйни 90.000 АҚШ долларига сотиб, 43.000 АҚШ доллари пуллари олиб, қолган пуллари унга беришлигини айтгани, ушбу уйни сотувга қўйганида Х.Толиповга тегишли уй 60.000 АҚШ долларидан ошмаганлигини, шундан сўнг у Х.Толиповга бу уйни ўзи олаверишини унга ўзини пулини беришини айтганлигини, кейин Х.Толипов унга Андижон шаҳар 2 кичик даҳадаги кўп қаватли уй қурганлигини, шу уйни ер тўла қисмини 100.000 АҚШ долларига сотганлигини, бу пуллардан дастлаб, 30.000 АҚШ долларини олганлигини, қолган 70.000 АҚШ долларини 2023 йил 30 январь куни олишлигини, унга 43.000 АҚШ долларини 2023 йил 31 январь куни беришлигини айтганида у рози бўлгани, кейин ўзини ишлари билан 2023 йил 14 январь куни Туркия давлатига кетиб, кетишидан олдин укаси Ў.Кенжаевга нотариус орқали ишончнома берганлигини, 2023 йил 31 январь куни Х.Толиповни олдига бориб, унга бериши керак бўлган 43.000 АҚШ доллари пуллари олишлигини айтганлигини, 2023 йил 31 январь куни укаси Ў.Кенжаев Х.Толиповни излаб топа олмасдан 2023 йил февраль ойида Х.Толиповни топиб унга акасига бериши керак бўлган 43.000 АҚШ долларини беришини айтганида Х.Толипов укасига ундан ҳеч қандай 43.000 АҚШ доллари қарзи йўқлигини, ўзи келганида гаплашиб олишини айтгани, 2023 йил июль ойида Туркия давлатидан Ўзбекистонга келиб, ўз ишлари билан бўлиб, 2023 йил 26 сентябрь куни Х.Толиповни билан Андижон тумани, Айрилиш МФЙ ҳудудида кўришиб, унга пул берадиган жойлари борлигини, 43.000 АҚШ долларини беришлигини айтганида у 1.000 АҚШ доллари миқдоридан пуллари бериб, қолган 42.000 АҚШ долларига Андижон шаҳар кўғирчоқ театри орқасидаги ўзи қураётган кўп қаватли уйнинг 3 қаватда жойлашган 77 кв.м бўлган уйни ҳар бир кв.м ни 500 АҚШ долларидан ҳисоблаб беришлигини айтганида у яна рози бўлганлигини, 2023 йил 07 октябрь куни у Х.Толипов айтган кўп қаватли янги қурилаётган уйга борганида, у ерда уни “Улуғбек” исмли иш бошқарувчи кутиб олганлигини, унга Х.Толипов айтган 3 қават 77 кв.м дан иборат бўлган уйни кўрсатганлигини, кейин у уйни кўриб бўлганидан сўнг Х.Толиповга кўнғирок қилиб, унга кўрсатган уйи мақул бўлганлигини, бу уйни у бирон-бир шахсга сотиб, цементни пуллари жойига қўйишлигини айтганида, у харидор топиб



сотаверишини, у айтган одамни номига шу заҳоти ўтказиб беришлигини айтганлигини, кейин у 42.000 АҚШ доллари пулларни ўрнига берилиши керак бўлган 77 кв.м лик уйга харидор топиб, ушбу кўп қаватли уйни иш бошқарувчиси “Улуғбек”ни телеграмига ташлаб бериб, бу ҳақида Х.Толиповга айтганлигини, кейин Х.Толиповни иш юритувчиси “Улуғбек” бу уйни ҳужжатлари тайёр бўлмасдан турганлигини, тайёр бўлиши билан ўтказиб беришлигини айтгани, шу орада Х.Толипов айтган вақтда унга кўрсатган кўп қаватли уйни ҳужжатлари тайёр бўлмасдан квартирани у айтган одамни номига ўтказиб бера олмаганлигини, 2023 йил 15 декабрь куни Х.Толипов унга бериши керак бўлган 42.000 АҚШ доллари пулларни сўраб унга телефон қилганида Х.Толиповни телефонларига туша олмасдан уни яшаш жойидан ҳам топа олмаганлигини, шу тариқа у Х.Толипов билан кўришмасдан янги қурилаётган кўп қаватли уйда иш юритувчи бўлиб ишлаётган “Улуғбек”дан сўраганида у Х.Толипов қаерда эканлигини билмаслигини, Х.Толиповга қайта-қайта қўнғироқ қилиб, у билан боғлана олмагани, Х.Толипов унга бериши керак бўлган 42.000 АҚШ доллари миқдоридagi пулларни бермасдан алдаб келганлигини, ҳозирда судланувчи томонидан унга келтирилган зарарлар депозит ҳисоб рақамига топширилгани, ушбу пул маблағларини унга ўтказиб, судланувчига нисбатан қонуний енгиллик берилишини сўраб кўрсатув бериб ўтди.

Гувоҳ А.Атаҳажиев суд мажлисида, 2021 йил ёз ойида таниши Баҳром уни олдига Дилмурод исмли танишини олиб келгани, уни қурувчи эканлигини, Балиқчи туманида кўп қаватли уйларни қураётганлигини, ҳозирда катта миқдорда цемент маҳсулотлари сотиб олаётганлигини, шу сабабли цемент маҳсулотларини олаётган шахсларни номига нотурар биносини 2 ой муддатга гаровга қўйиб бериб туришлигини, 2 ой муддат ичида цемент маҳсулотларини пулини тўлаб, бинони гаровдан чиқариб беришлигини маълум қилгани, дастлаб уларни таклифига рози бўлмагани, улар илтимос қилиб туриб олганидан сўнг Баҳром ва Дилмуродларни гапларига ишониб, ўзига тегишли Ўзбекистон кўчасида жойлашган “Имрон” номли ошхона биносини гаровга қўйишга рози бўлгани, Дилмурод унга 2 ой муддатда бинони гаровдан чиқариб беришлиги ҳақида тилхат ёзиб бергани, шу тариқа Дилмурод цемент маҳсулотлари савдоси билан шуғулланувчи Х.Кенжаевдан 700 тонна цемент маҳсулотларини 57.000 АҚШ долларига сотиб олгани, Дилмурод уни олдига келиб бинони гаровга қўйиш учун керакли ҳужжатларга имзо қўйдириб кетганлигини, бироқ Дилмурод келишилган муддатда Х.Кенжаевга цемент маҳсулотлари пулини келишилган муддатда қайтариб бермасдан қочиб кетганлигини, шундан кейин уни олдига Х.Кенжаев ва Х.Толиповлар келишиб бинони бўшатиб қўйишини айтишиб, ушбу бинони сотиб юборишларини маълум қилганлигини, у эса Дилмурод унга тегишли бинога ҳеч қандай пул маблағлари бермаганлигини, 2 ой муддатга бинони гаровга қўйиш шарти билан олганлигини айтганлигини, Х.Толипов унга тегишли бинони ишчиси Зиёдуллони номига ўтказиб берганлигини маълум қилганлигини, ўша вақтда ўзига тегишли бинони Дилмурод уларни номига ўтказиб берганлигини билмаганлигини, Дилмурод ўша вақтда унга бинони бировни номига ўтказишлигини айтмаганлигини, у фақатгина у бинони гаровга қўймоқчи эканлигини айтганлигини, шу тариқа



2022 йил ёз ойида Акмал исмли таниши уни олдига келиб, бинони сотиб олишини, бинони Қишлоқ қурилиш банкда кредит таъминоти сифатида гаровга қўйилганлигини маълум қилганлигини, бинони банкка гаровга қўйилганлигини билмаганлигини, банкдан кредит олмаганлигини маълум қилганлигини, сўнг Х.Кенжаевга қўнғироқ қилиб, бинони банкка гаровга қўйиб кредит олган ёки олмаганлигини сўраганида у ҳеч қандай кредит маблағлари олмаганлигини маълум қилганлигини, кейинчалик билишича Х.Толипов бинони гаровга қўйиб кредит олганлигини билганлигини, Акмал билан ўзаро савдолашиб, бинони 132.000 АҚШ долларига барака қилганлигини, Акмал Х.Толиповга банкдан олган жами 68.000 АҚШ кредит маблағларини тўлаб бинони гаровдан чиқарганлигини ва унга қолган 64.000 АҚШ долларини берганлигини, шунингдек, ушбу бинони Акмалга сотишидан олдин Х.Толипов ва Х.Кенжаевлар уни олдига келиб, бинони 150.000 АҚШ долларига сотиб олишликларини айтишганлигини ва улар билан барака қилганлигини, ўша вақтда Х.Толипов унга закат сифатида 8.000 АҚШ доллари бериб, қолган пулларни 1 ой муддатда қилиб беришлигини айтганлигини, бироқ Х.Толипов қолган пулларни 1 ой муддатда қилиб бермаганлигини, Х.Кенжаев Дилмуродга берган цемент маҳсулотлари эвазига ҳеч қандай пул маблағлари олмаганлигини, Х.Толипов ҳам бинони банкка гаровга қўйиб олинган кредит маблағларидан Х.Кенжаевга бермаганлигини билдириб кўрсатув бериб ўтди.

Судланувчи Х.Толиповнинг жиноят содир қилганликдаги айби, унинг дастлабки тергов ва суд мажлисидаги айбига иқроп бўлиб берган кўрсатувлари, жиноят ишини кўзгатиш ва иш юритувга олиш ҳақида қарор (1-жилд и.в. 1), Х.Кенжаевнинг Андижон вилоят ИИБ бошлиғи носига ёзган аризаси (1-жилд и.в. 6), нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш ҳақида қарор (2-жилд и.в. 82), гувоҳларнинг кўрсатувлари, судда кўрсатувлари ўқиб эшиттирилган гувоҳ А.Каримов, А.Абдурахимов ва А.Абдуқодировларнинг дастлабки терговда берган кўрсатувлари, тушунтириш хатлар ҳамда ишда тўпланган бошқа мақбул ва ишончли далиллар мажмуи билан исботланган.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарори 5-бандининг 2-хатбошида “Судлар ҳукм ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлигини эътиборга олишлари керак”, деб берилган тушунтиришлардан келиб чиқиб, судланувчининг қилмишлари квалификацияси масаласини муҳокама қилишни лозим топади.

Дастлабки тергов органи томонидан Х.Толипов томонидан содир этилган жиноий ҳаракатлари квалификацияси масаласини муҳокама қилиб, ўзганинг мулкани алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритганликдаги Х.Толиповнинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан дастлабки тергов органи томонидан тўғри квалификация қилинган деб эътироф этишни лозим деб топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва



шахсининг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги, 54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши кўрсатилганлиги, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 1-бандида жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига қатъий амал қилишга қаратилиши, 3-бандида Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига мувофиқ бўлиши кераклиги таъкидланганлигини инобатга олиб, суд судланувчига жазо тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Суд, судда аниқланган ҳолатларга кўра судланувчи Х.Толиповга жазо тайинлашда, уни қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, келтирилган зарарлар тўлиқ қоплангани, жабрланувчини унга нисбатан даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар, жиноятни ғараз ва бошқа паст ниятларда содир этилгани жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб топиш билан бирга, айбининг шакли ва даражаси, жиноятнинг содир этгандан кейинги хулқ-атворини, тайинланадиган жазони судланувчининг ўзи ва бошқа фуқаролар учун тарбиявий аҳамиятини инобатга олиб, унга ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб, модда санкцияда назарда тутилмаган ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ЖКнинг 62-моддасига асосан уни 2025 йил 9 июндан 2025 йил 12 сентябрга қадар қамоқда сақланган 96 (тўқсон олти) кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг 288 (икки юз саксон саккиз) кунига тенглаштириб ҳисоблаб, унга тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан чегириб, ўташ учун узил-кесил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдиришни, унга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргунига қадарли аслича ўзгаришсиз қолдиришни, унга ҳозирда тергов органи томонидан бошқа жиноят иши бўйича қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилгани, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги ЖИЭД иккинчи минтақавий ҳудуд 3-сонли тергов ҳибсхонасида сақланаётганини инобатга олишни лозим топади.

Суд, етказилган зарар ва ашёвий далиллар масаласини муҳокама қилиб, жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш мақсадида судланувчи томонидан топширилган, Андижон вилоят ИИБнинг “IVEST FINANCE BANK” АЖ Андижон вилоят филиали депозит ҳисоб-рақамида сақланаётган жами 13.000.000 сўм пуллар ва 26.950 АҚШ долларини жабрланувчи Х.Кенжаевга етказилган моддий зарарлари ҳисобига ўтказиб беришни;

Жиноят оқибатида етказилган моддий зарар тўлиқ қопланганини инобатга олишни;

Келгусида манфаатдор тарафларга маънавий зарар ундириш масаласида асослантирилган ҳужжат тақдим этган ҳолда фуқаролик суди иш юритуви тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқини тушунтиришни;

- ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона ДВД диск ва А-4 форматдаги беш дона варақларни жиноят иши ҳужжатларига қўшиб сақлашни лозим топади.



Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 454-457, 462, 463, 465-468, 471, 472, 473- моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Толипов Хамидулло Халимжонович (Tolipov Xamidullo Halimjonovich) Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Х.Толиповга Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаш шарти билан 2 (икки) йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддасига асосан Х.Толиповни 2025 йил 9 июндан 2025 йил 12 сентябрга қадар қамоқда сақланган 96 (тўқсон олти) кунини ахлоқ тузатиш ишлари жазосининг 288 (икки юз саксон саккиз) кунига тенглаштириб ҳисоблансин ва Х.Толиповга тайинланган 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазосидан чегириб, ўташ учун узил-кесил иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиш шарти билан 1 (бир) йил 2 (икки) ой 12 (ўн икки) кун муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси қолдирилсин.

Жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилиб, жазо ўташ муддати Х.Толипов жазони ўташ учун юборилган корхона, муассаса ва ташкилотларда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазони ижро эттириш Андижон шаҳар ИИО Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Судланувчи Х.Толиповга нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргунига қадарли аслича ўзгаришсиз қолдирилсин.

Х.Толиповга тергов органи томонидан бошқа жиноят иши доирасида қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилгани, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги ЖИЭД иккинчи минтақавий ҳудуд 3-сонли тергов ҳибсхонасида сақланаётгани инobatга олинсин.

Жиноят оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш мақсадида судланувчи томонидан топширилган, Андижон вилоят ИИБнинг “IVEST FINANCE BANK” АЖ Андижон вилоят филиали депозит ҳисоб-рақамида сақланаётган жами 13.000.000 сўм пуллар ва 26.950 АҚШ доллари жабрланувчи Х.Кенжаевга етказилган моддий зарарлари ҳисобига ўтказиб берилсин.

Жиноят оқибатида етказилган моддий зарар тўлиқ қоплангани инobatга олинсин.

Келгусида манфаатдор тарафларга маънавий зарар ундириш масаласида асослантирилган ҳужжат тақдим этган ҳолда фуқаролик суди иш юритуви тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона DVD диск ва А-4 форматдаги беш дона варақлар жиноят иши ҳужжатларига қўшиб сақлансин.



Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу туман суди орқали Андижон вилоят суди жиноят судлов ҳайъатига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг кассация тартибида шикоят ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи:- имзо

Ҳукм нусхаси аслига тўғри,

Жиноят ишлари бўйича

Балиқчи туман судининг раиси

У.Шералиев

